



**Носир ҚАМБАРОВ**  
филология фанлари номзоди, доцент  
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети  
[uswu@yandex.com](mailto:uswu@yandex.com)

## ТАРЖИМА ТРАНСФОРМАЦИЯЛАРИГА САБАБ БЎЛАДИГАН СЎЗЛАР ХУСУСИДА

Мақолада таржима трансформацияларига сабаб бўладиган “шаффоф сўзлар” деб номланувчи бирликларни таржима қилиш муаммолари ўрганилган. Бундай сўзларни таржима қилишда қўлланиладиган трансформация турлари ва усуллари кўрсатилган ва уларни таржима қилиш бўйича тавсиялар берилган.

В статье изучаются проблемы перевода так называемых «прозрачных слов». Показываются переводческие трансформации и методы перевода таких слов, даются рекомендации по их переводу.

The article discusses the problems of translation of the so called "transparent words" which cause translation transformations. Transformations and translation methods are indicated and recommendations are presented in translating them.

**Калит сўзлар:** таржима трансформациялари, таржима усуллари, конкретлаштириш, десемантизациялашган лексика.

**Ключевые слова:** переводческие трансформации, приёмы перевода, конкретизация, десемантизированная лексика.

**Key words:** translation transformations, translation methods, concretization, words which lost their meaning.

Тилда таржима трансформацияларини юзага келтирувчи ёки таржима трансформацияларига сабаб бўладиган турли сўз туркумлари мавжуд. Бу сўзлар сирасига, одатда, “шаффоф” маънога эга сўз ёки сўз бирикмалари киради. “Шаффоф” сўзлар кўп маъноли бўлиб, улар бошқа кўп маъноли сўзлардан муайян жиҳатлари билан фарқ қилади. Қўллашда ва таржима қилишда “шаффоф” сўзлар контекстни талаб этади, унинг бутун маъносини луғатларда акс эттиришининг иложи йўқ. Бундай “шаффоф” сўзлар таржимашуносликда

“десемантизацияланган лексика”, яъни моддий маъноси кучсизланган сўзлар номи билан юритилади.

Инглиз тилида бундай сўзлар кўп. Масалан, *case, piece, thing, stuff, community, facility, challenge, performance, record, commitment, to fail, to challenge, to commit* ва бошқалар.

Бу сўзлар қўлланган гапларни таржима қилишда, матн қайси услубга тегишли бўлишидан қатъи назар, лексик ва аксарият ҳолларда лексик-семантик трансформациялардан фойдаланишга тўғри келади. “Шаффоф сўзлар”ни таржима қилиш уларнинг маъноларини аниқлаштиришни, конкретлаштиришни талаб этади. Бундан ташқари, таржиманинг умумлаштириш, сўз маъноларини ривожлантириш, антонимик таржима каби усулларида ҳам тегишли ўринларда маънони тўғри бериш учун фойдаланилади.

Конкретлаштириш усули айнан “шаффоф сўзлар”ни аниқ таржима қилиш учун қўлланилади. Чунки “шаффоф сўзлар” хажми жуда кенг бўлганлиги боис таржимон мазкур сўз маъноларини топишда қийин аҳволга тушиб қолиши мумкин. Чунки бундай сўзларнинг луғатларда берилган маънолари таржимонни қониқтирмайди. Таржимон бундай сўзларнинг бирорта маъносига таянмайди. Унга “шаффоф сўзлар”ни таржима қилиши учун туртки бўладиган маънонинг ўзи луғатда бўлмайди. Бундай қийин вазиятдан таржимон қандай чиқиб кетиши мумкин. Биринчидан, таржимон барча трансформациялардан ҳамда таржима усулларида хабардор бўлиши, иккинчидан, муайян тажрибага эга бўлиши, учинчидан, ўзи таржима қилаётган матнни ҳис этиши, тўртинчидан, сўзлар валентлиги ҳақида чуқур маълумотга эга бўлиши, бешинчидан, таржима қилинаётган сўзнинг нима учун қўлланганлиги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши, олтинчидан, адекватликка эришиш йўллари билиши лозим.

Энди юқорида келтирилган баъзи “шаффоф сўзлар” таржимасига тўхталиб ўтамиз.

Инглиз тилида ижтимоий-сиёсий матнларда кўп қўлланадиган лексик бирликлардан бири — *community* сўзи ҳисобланади. Бу сўзнинг шаффофлиги шу соҳада тажрибага эга таржимонларга маълум бўлса-да, бу сўз ҳали-ҳануз таржимада муаммо туғдиради. Бу сўзнинг маъноси турли луғатларда турлича берилган, яъни унинг информатив хажми кенг. Д. Мухоротов бу сўзнинг етти та маъноси борлигини қайд этади(3, 36). И. Гальпериннинг умумий таҳрири остида чоп этилган икки тилли катта луғатда бу сўзнинг атиги учта маъноси келтирилган(1, 287).

Бу сўзнинг бирикмалари қуйидагиларни ўз ичига олади:

*the interests of community, black community, financial (business) community, European Economic Community, technological community, community of goods, community of interests* (3, 36).

Биринчи сўз бирикмаси *the interests of community* луғатда келтирилган етти та маънонинг бирортасига мос келмайди. Ш.Бўтаев ҳамда А.Ирискулов томонидан тайёрланган 70000 сўз ва иборадан иборат “Инглизча-ўзбекча луғат”да *community* сўзининг иккита (жамоа ҳамда умумийлик) маъноси келтирилган (2, 104). Шунинг учун мазкур сўз бирикмасини таржима қилиш учун *interest* сўзининг маъноларига ҳам эътибор бериш лозим бўлади. Бу сўз “шаффофлик”ка даъво қилмайди, унинг аниқ маъноси мавжуд. У аксарият ҳолларда ўзбек тилига “манфаат” деб таржима қилинади. Мантқан фикр юритадиган бўлсак, иккита асосий манфаат ҳақида гапириш мумкин. Биринчиси – шахсий манфаат, иккинчиси – жамият манфаати. Шунинг учун инглизча-ўзбекча луғатда берилган сўзнинг “жамоат” маъноси эмас, жамият деган маъносини таржимада қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Демак, *the interests of community* бирикмаси ўзбек тилига “жамият манфаатлари” деб таржима қилинади.

Навбатдаги бирикмадаги *community* сўзини бу ерда манфаат деган мазмунда таржима қилиб бўлмайди. Чунки қора танлилар жамияти бўлиши мумкин, бироқ жамиятнинг маъноси кенг. Бу ерда таржимага аниқлик киритиш, яъни конкретлаштириш усулидан фойдаланиш талаб этилади. Инглиз тилидаги *black* сўзи нафақат қора ранг балки, қора танлиларни ҳам англатади. Қора танли бирикмасининг ўзи мавжуд таржима муаммосини ижобий ҳал этишга хизмат қилади. Таржимоннинг ўз интуициясига таяниб, юқоридаги бирикмани қора танли аҳоли деб таржима қилиши тўғри бўлади. Шундай қилиб, *black community* бирикмасини ўзбек тилига қора танли аҳоли деб ўгириш айтиш муддаодир. Иқтисод соҳасида қўлланиладиган кейинги бирикма — *financial (business) community* ҳисобланади. Бу бирикмадаги сўзнинг маъноси биринчи ва иккинчи сўз бирикмасида қўлланган *community* сўз маъносидан бутунлай фарқ қилади. Молиявий жамоа, молиявий жамият каби сўз бирикмалари сунъийдир. Шунинг учун бу ўринда мазкур бирикмадаги *community* сўзини “доира” деб олиш мақсадга мувофиқ. Демак, юқоридаги бирикмани ўзбек тилига молиячилар (тадбиркорлар) доираси деб таржима қилиш тўғри йўл дейиш мумкин. Навбатдаги бирикма *European Economic Community*ни таржима қилиш унга муаммо туғдирмайди, чунки мазкур бирикма таркибида *community* шаффоф маъноли сўз бўлса ҳам, бирикма матбуотда фаол қўлланганлиги боис, уни ўзбек тилига таржима қилиш (фаол бўлгани ва ҳаммага маълум бўлгани учун) муаммо туғдирмайди ва у Европа иқтисодий ҳамжамияти деб таржима қилинади.

Кейинги бирикманинг таржимаси юқоридагилардан анча фарқ қилади. Ингиз тилидаги *technological community* бирикмаси таржимонда муаммо туғдириши аниқ, чунки *technological* сўзи инглиз тилида *community* сўзи билан бирикма ҳосил қилиши кам кузатилган. Шунинг учун бирикмани таржима қилиш таржимондан катта меҳнат ва маҳоратни талаб этади. Айтганимздек, луғатда бу сўзнинг маъноси акс эттирилмаган, шунинг учун сўз маъносини аниқлаш учун луғатдан ташқари, соҳага тегишли адабиётлардан ва манбалардан маълумот олишга тўғри келади. Мазкур бирикмани ўзбек тилига техник ҳамкорлик деб таржима қилиш тавсия этилади. Навбатдаги *community of goods ҳамда community of interests* сўз бирикмаларидаги *community* сўзи бир хил маънода қўлланган. Иккала бирикмада ҳам мазкур шаффоф сўз “умумийлик” маъносида келган. Баъзан шаффоф сўзларнинг аниқ, яъни фаол қўлланадиган маъноси олинади. Луғатда *community* сўзининг биринчи маъноси – умумийлик деб берилган (2, 104). Шундай қилиб, биринчи бирикмани ўзбек тилига *мол-мулкка умумий эгаллик қилиш*, иккинчисини эса *манфаатларнинг умумийлиги* деб таржима қилиш талаб этилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, инглиз тилида “шаффоф” маъноли сўзлар мавжуд. Уларни таржима қилиш таржимондан таржима трансформацияси ва усулларини яхши билишни, ҳар икки тил бўйича чуқур билимга эга бўлишни ҳамда топқир бўлишни, тажриба эгаллашни талаб этади. Бунда контекст (матн) услуби ва соҳаси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Таржима муаммолари пайдо бўлганда, таржимоннинг (бир тилли, таржима ва қомусий ҳамда махсус) луғатлар билан бирга соҳа бўйича махсус адабиётлар ва бошқа манбаларга мурожаат этиши мақсадга мувофиқдир.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Большой англо-русский словарь (БАРС): в 2-х т. Около 150 000 слов./ Н.Н. Амосова, Ю.Д. Апресян, И.Р. Гальперин и др./ Под общ. рук. И.Р.Гальперина. – 3-е изд., стереотип. – М.: Рус. яз., 1979.
2. Бўтаев Ш., Ирискулов А. Инглизча-ўзбекча ўзбекча-инглизча луғат. 70 000 сўз ва ибора. – Тошкент, 2008.
3. Мухоротов Д.С. Практика перевода. Английский-русский. Учеб. пособие. – М.: Высшая шк., 2006.